



АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ – ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ханнаров Комилжон Каримович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ходими
email: xannarov.k@gov.uz

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 10 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss10/a6	Мақолада давлат бюджетидан аҳолини уй-жой билан таъминлаш харажатларини молиялаштиришнинг илғор хорижий таҷрибалари тадқиқ этилган. Унда маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий тадқиқотлари бўйича мустақил муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилган. Тадқиқотлар асосида мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг назарий жиҳатлари юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.
KEYWORDS	давлат бюджети, уй-жой, ипотека кредит, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий сиёсат, камбағаллик.

Кириш (Введение/Introduction)

Мамлакатда ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан қўзланган асосий мақсад аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган фаолият билан ифодаланади. Миллий иктисодиётда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда асосий молиявий таъминот вазифасини давлат бюджети маблағлари бажариб беради, десак муболага бўлмайди. Давлат ўз маблағлари ҳисобидан ижтимоий сиёсатни амалга оширишда турли йўналишларни белгилаб олишини қайд этиш лозим. Бу борада, аҳолини барча қатламини қамраб олиш, аҳолининг айрим гуруҳини ижтимоий ҳимоя қилиш каби жиҳатлар билан муҳим омил бўлиб гавдаланади.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати борасида қўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, унда аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш билан бирга, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган фаолият йўналишлари шулар жумласига қиради.

Ўзбекистон амалиётида ижтимоий сиёсатнинг устуворликлари борасида қатор ижобий ўзгаришлар бўлганлигини қайд этиш лозим. Жумладан, аҳолини уй-жой билан таъминлашни ўзида акс эттирадиган бюджетнинг ижтимоий харажатлари бюджет сиёсатининг сўнгги йиллардаги янги элементи сифатида қўриш мумкин. Жаҳоннинг қўплаб мамлакатларида аҳолини фаровонлигини таъминлашда турар жой масаласини ҳал этишга қаратилган қатор йўналишларни кузатамиз. Шу боисдан, мамлакатимизда ҳам ижтимоий сиёсатнинг таркибий бўғини шаклида аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи устувор йўналишларидан бирига айланиб улгурди, десак хато бўлмайди. 2016 йилдан бошланган ислохотларда ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор ислоотлар амалга оширила бошланди. Мазкур ўзгаришлар фонидида аҳоли фаровонлигини таъминлаш хусусида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар юз берди. Бунда давлат бюджети ҳисобидан аҳолининг уй-жой сотиб олишдаги харажатларининг маълум улушини қўплаб беришни ўзида акс эттирадиган ислохотни келтириш мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Обзор литературы / Literature review).

Ижтимоий сиёсатнинг турли нуктаи назардан тадқиқ этилган қўплаб илмий изланишларни қўриш мумкин. Жумладан, ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган докторлик диссертациялари ҳам бажарилганлигини кузатиш мумкин. Масалан, проф. Д.Рахмонов ўзининг диссертацион тадқиқотида ижтимоий соҳани бюджетдан молиялаштириш масалаларига эътибор қаратади [1]. Ижтимоий соҳанинг таркибий бўғинлари бўлган таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари борасида илмий хулосаларини асослаб беради. Шунингдек, мазкур соҳаларни самарали молиялаштириш орқали инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва хулосаларни ишлаб чиқади.

Г.Касимова ўзининг докторлик диссертациясида ижтимоий соҳани молиявий таъминлашда газначилик тизими орқали бюджет маблағларидан фойдаланиш омилларига эътибор қаратади. Унинг фикрича, газначилик тизимининг роли бюджет маблағларидан фойдаланиш самардорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, бюджет маблағлари ҳисобидан мактаб таълими тизимини молиялаштиришда аутсорсинг амалиётини жорий этишнинг устуворликларини асослашга ҳаракат қилади [2].

Бизнингча, ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш нуктаи назаридан бажарилган илмий ишларда ижтимоий соҳанинг таълим ва соғлиқни сақлаш каби бўғинлари фаолиятлари тадқиқ этилган. Мазкур илмий ишларда илмий хулосалар инсон капиталини ривожлантириш нуктаи назаридан давлат бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш йўналишлари асослашга ҳаракат қилинган. Бу эса, ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилишида солиқлар ҳисобидан жамғарилган маблағларнинг роли ҳал этувчи аҳамиятга эга эканлигини қўриш мумкин.

Ш.Абдуллаева ўзининг монографик тадқиқотида аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилишнинг назарий асосларини тадқиқ этган [3]. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида жаҳон ва миллий тажрибанинг қиссий таҳлилини амалга оширган. Унга қўра, нофаол ижтимоий ҳимоя дастурлари сифатида – сугурта бадалини тўлаш,

пенсия фонди, иш жойи ва маҳалла каби институтларни келтириб ўтади. Шунингдек, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат бозорида ижтимоий ҳимоя қилишда касбий таълим хизматларини кўрсатиш, бандликни рағбатлантириш ва ижтимоий сугурта, ижтимоий ёрдам каби устуворликлардан фойдаланишни тавсия этиб ўтади.

М.Мирзамаҳмудова томонидан амалга оширилган тадқиқотда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини аниқлашнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилишга эътибор қаратади [4]. Унинг фикрича, камбағалликни қисқартиришда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ягона тизимини жорий этиш, ижтимоий сугурта, ижтимоий ёрдам, ижтимоий хизматлар ва бандликни таъминлаш тизимларини интеграциялаш орқали ижтимоий сиёсатни янада такомиллаштириш мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, мамлакатда минимал истеъмол савати таркибини ўрта турга ажратиш кўрсатади. Жумладан, озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар қабиларни келтириб ўтади. Ўз навбатида, хизматлар таркибида уй-жой масаласига алоҳида эътибор қаратиб ўтади. Бу борада, илгори тажрибаларда уй-жой учун харажатлар таркиби Козогистонда 20 фоиз, Россияда 25 фоиз, Германияда 32 фоиз бўлса, АҚШ 36 фоиз эканлигини кўрсатиб ўтади.

Р.Саттаров эса минтакавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда вилоятлараро ҳамкорликнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтади [5]. Унинг хулосасида вилоятлараро ҳамкорликни ривожлантиришда уй-жой ва инфратузилма қурилишини амалга ошириш нуқтани назардан ўтказишга хос йўналиш эканлиги асослашга ҳаракат қилинади.

С.Баратов ўзининг тадқиқотида камбағалликка қарши курашда давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланишга қаратилган ўзининг илмий хулосаларини асослаб беради. Унинг фикрича, ижтимоий сиёсатни фаол ва нофаол шаклда амалга ошириш орқали камбағалликка билвосита ва бевосита курашиш мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Унга кўра, ижтимоий сиёсатни давлат бюджетидан молиялаштиришда қуйидаги жиҳатлар мавжуд бўлиши лозимлигини эътироф этади (1-расмга қараңг) [6]:

Ijtimoiy siyosat shakli	Ijtimoiy himoya	Ijtimoiy soha
Qamrov darajasi	guruhlangan	ommaviy
Moliyalashtirish xususiyati	ijtimoiy	aralash
Shakli	faol	nofaol
Davriyligi	qisqa	uzoq
Inson taraqqiyoti	shakllantirilmaydi	shakllantiriladi

1-расм. Камбағалликка қарши курашнинг давлат бюджетидан амалга оширилиши

Юқорида келтириб ўтилган тадқиқотларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали ижтимоий сиёсатнинг турли жиҳатларини рўёбга чиқаришга нисбатан илмий ёндашувларни кўриш мумкин. Унда аҳолини уй-жой билан таъминлашга нисбатан ҳам айрим хулосаларни кузатамиз. Бироқ, айнан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аҳолини турар жой билан таъминлашга қаратилган алоҳида тадқиқот объектларини учратиш қийин ҳисобланади.

Ижтимоий сиёсатни гуруҳларга ажратилганда тадқиқотчи ва олимлар фаол ва нофаол хусусиятларни ифодалаган ҳолда фарқли жиҳатларни кўрсатиб беришган. Шунингдек, уларнинг ушбу категорияларга нисбатан ёндашувлари ҳам турли ракурслардан ўзининг аксини топган. Ижтимоий сиёсатда аҳолининг меҳнатга лаёқатли ва камбағал қатламини ижтимоий ҳимоя қилишга нисбатан ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Бизнингча, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб борилган диссертацион тадқиқотларда қуйидаги элементларга устуворлик берилганлигини таъкидлаш лозим:

Биринчидан, ижтимоий сугурта тизимини жорий этилиши орқали ижтимоий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш назарда тутилган. Бунда меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами ҳам камраб олиниши мумкин эканлиги қайд этиб ўтилган.

Иккинчидан, фаол ва нофаол ижтимоий сиёсат унсурлари борасида турли ёндашувлар мавжуд эканлигини кузатиш мумкин. Нофаол ижтимоий ҳимоя институтлари сифатида пенсия фонди, иш жойлари назарда тутилган бўлса, бошқа тадқиқотда ижтимоий сиёсат икки бўғинга – ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий соҳа фаолиятларига ажратиш кўрсатилган. Уларнинг бир бутун фаолият олиб бориши ижтимоий сиёсатни самарали амалга оширишга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилади.

Учинчидан, давлат бюджетидан молиялаштириш асосида ижтимоий сиёсатни амалга ошириш асосий тенденцияларни акс эттиришини кўрсатиш мумкин. Бунда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини аниқлаш ва уларни вақтинчалик истеъмол харажатларини қўллаб-қувватлаш эканлиги билан изоҳлаб берилди.

Тўртинчидан, аҳолининг истеъмол товар (хизмат)лар таркибида уй-жой омилининг қайд этилиши унинг ҳаётий муҳим элемент эканлигини ифодалашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Бу эса, давлатнинг ижтимоий сиёсати таркибида аҳолини уй-жой билан таъминлаш омили асосий ўринга эга бўлиб бораётганлигини ўзида акс эттиради.

Фикримизча, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида давлат бюджети маблағларининг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Қўллаб-қувватларда ижтимоий сиёсатда фаол ва нофаол нуқтани назардан фаолият олиб бориши қайд этиб ўтилган. Мазкур илмий ёндашувларда аҳолини уй-жой билан таъминлашга қаратилган давлат бюджети маблағларидан фойдаланишга қаратилган илмий ёндашувлар нисбатан кам учрайди. Баъзи тадқиқотларда истеъмол савати таркибида (но) озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга уй-жой омилининг ҳам зарурлиги таъкидлаб ўтилган.

Фикримизча, давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга оширишда уй-жой элементининг ҳам эътиборга олиниши долзарблик касб этиб бораётганлигини кўриш мумкин. Шу боисдан, уй-жой омилини таъминлашда, айниқса кам таъминланган аҳоли қатлами эҳтиёсларини инобатга оладиган интеграцион тизимни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз давомида айрим олим ва изланувлар томонидан ижтимоий сиёсат таркибида уй-жой омилига нисбатан ишлаб чиқилган илмий ёндашувларни ўрганишга эътибор қаратамиз. Бунда давлат бюджетининг роли нисбатан таҳлиллар ва илмий хулосаларни тизимлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Д.Бахромова диссертацион тадқиқотида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устуворликлари борасидаги илмий ёндашувларини асослашга эътибор беради [7]. Унинг фикрича, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга таъсир этувчи омиллар икки гуруҳ – ижтимоий ҳимоялаш инсон ҳаёти фаолиятига боғлиқ эканлиги, ижтимоий ҳимояланганлик эса инсон турмуш даражасини белгилаб берувчи омил эканлиги шаклида кўрсатиб берилди. Ҳаёт фаолияти омилари қаторида уй-жой билан таъминланганлик омилини ажратиш кўрсатиб беради. Шу билан бирга, турмуш фаровонлигига эришиш учун намунавий лойиҳалар асосида имтиёзли ва арзон уй-жойларни қуриш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтади.

Г.Алиева ўзининг илмий тадқиқотида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этади [8]. Унинг фикрича, минтакавий ижтимоий инфратузилмани ривожланишини белгилаб берувчи омиллар қаторида уй-жой соҳаси муаммоларини ҳал қилишни келтириб ўтади. Унга кўра:

ўртача бир кишига тўғри келадиган турар-жой бинолари умумий майдони.

капитал таъмирлашга муҳтож бўлган турар-жой улуши.

минтақада истиқомат қиладиган фуқаролар учун турар-жой уйлари қуриб топшириш.

минтақада 1 кв.метр турар-жой учун бозор нархи қабиларни ажратиш кўрсатади.

Б.Бахтиёров ўзининг илмий тадқиқотида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг иқтисодий механизмларини таҳлиliga қаратилган илмий хулосаларини асослашга эътибор қаратади [9]. Унинг фикрича, аҳолини ижтимоий қилиш ижтимоий сугурта, меҳнатга лаёқатсизликда ҳимоялаш, ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоялаш ва кафолатлаш, ижтимоий ёрдам ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш қабилар муҳим аҳамиятга эга эканлигини келтириб ўтади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими иқтисодий категория сифатида аҳолининг муҳтож қатламини таълим, тиббий ва ижтимоий сугурта

билан таъминлашни назарда тутати. Шунингдек, уй-жой билан таъминланганликнинг 30 кун давомидаги частотаси асосида кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни илгари суради.

Тадқиқотларда келтирилган илмий хулосаларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устуворликлари сифатида уй-жой билан таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари келтириб ўтилган. Унда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилган:

Биринчидан, аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашда ҳаёт фаолияти кўрсаткичларидан бири сифатида уй-жой билан таъминланганлик элементи алоҳида ажратиб кўрсатилган.

Иккинчидан, аҳолини уй-жой билан таъминлашда давлат томонидан намунавий лойиҳалар асосида турар-жой мажмуаларини тизимли равишда қуришга эътибор қаратишни тавсия этилади. Бу билан эса, минтақавий тарзда аҳолини уй-жой билан таъминлашга нисбатан имкониятлар кенгайиши ва тизимли тарзда арзон уй-жойларни шакллантиришга бўлган шарт-шароит вужудга келар экан.

Учинчидан, ҳудудларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда уй-жой фондининг бир кв.метрининг ўртача нархи, бир кишига тўғри келадиган яшаш майдонининг ўртача ҳажми, янги қуриладиган уй-жойларга бўлган эҳтиёжнинг улуши каби кўрсаткичлар аҳолини турар-жой билан таъминлашнинг асосий омиллардан эканлиги таъкидлаб ўтилади.


Бизнингча, давлат бюджетидан аҳолини уй-жой таъминлашда турли механизмлардан фойдаланиш мумкинлиги қаторилмий тадқиқотларда ўз аксини топмоқда. Бунда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мумкинлигини таъкидлаш лозим:

Биринчидан, аҳолини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, субсидия ёки бошқа молиявий ёрдам омилларидан фойдаланиш. Аҳолининг кам даромадли қатлами учун махсус ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш.

Иккинчидан, давлат томонидан ҳудудларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуришни ривожлантириш. Бунда уй-жойларни сотишда мақсадли тарзда аҳолини гуруҳларга ажратиш орқали уй-жой билан таъминлашда ижтимоий сиёсат воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқ, бўлади деб ўйлаймиз.

Таҳлил ва натижалар (Анализ и результаты/ Analysis and results).


Тадқиқотимизни давом эттирган ҳолда уй-жой билан таъминлашда унинг иқтисодий асосларини таҳлил этишга қаратилган илмий нашрларни ўрганишни давом эттирамиз. И.Давлетов ўзининг диссертацион тадқиқотида уй-жой лойиҳаларини иқтисодий баҳолаш орқали уларнинг нархини арзонлаштиришга қаратилган илмий хулосаларни асослашга эътибор қаратади. Унинг фикрича, уй-жой арзонлиги асосида давлат бюджетидан субсидия бериш асосида ижтимоий қулайлик умумлашган индексини жорий этиш таслиф этади (2-расмга қаранг) [10]. Шу билан бирга, арзон уй-жой коэффициентини ҳисоблашда 54 м² бўлган хонадоннинг ўртача бозор қиймати оила аъзолари 3 киши бўлган ҳолда оила даромадининг неча фоизи билан қопланиш даражасини назарда тутати.



2-расм. Уй-жой арзонлиги кўрсаткичини шакллантирувчи омиллар

М.Усманов уй-жой қурилишида кичик бизнеснинг тутган роли ва унинг ўзига хос хусусиятларини тизимлаштиришга ҳаракат қилади [11]. Аҳолини уй-жой билан таъминлашда кам таъминланган қатламнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат-хусусий шериклиги асосида турар-жойлар қурилишини ривожлантиришни назарда тутати. Бу борада, давлатнинг роли

муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бунинг учун 3-расмда келтирилган механизмни жорий этишни таавсия этади.



3-расм. Давлат томонидан уй-жой қурилишини қўллаб-қувватлаш механизмлари

таъминлашда тижорий ва ижтимоий хусусиятга эга бўлган омиллар ажратиб кўрсатилади. Уй-жой арзонлигида унинг ўртача даромад даражаси билан ўртача оиланинг яшаш учун зарур бўлган хонадон учун сарф этиладиган харажатларнинг улушини аниқлаш орқали топиш назарда тутилади. Умуман олганда, уй-жойларнинг арзонлиги таъминлини ҳаётга татбиқ этишда бир кишига тўғри келадиган минимал яшаш майдони ва ўртача йиллик даромаддан сарф этиладиган харажатлар улушини аниқлаш қўзда тутилган.

Шунингдек, уй-жой қурилишини самарали ташкил этишда кичик бизнес субъектларини қурилиш жараёнларига давлат-хусусий шериклиги асосида жалб этиш ҳам мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаш лозим. Натижада эса, аҳолининг кам таъминланган қатламини арзон уй-жойлар билан таъминлашга нисбатан шарт-шароит яратилиши мумкинлигини қайд этишимиз мумкин.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 апрелдаги “2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-70-сон фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлашга қаратилган ислохотлар ва ўзгаришлар ўзининг янги босқичига чиқди десак тўғри бўлади. Ушбу фармон билан доимий расмий даромадга эга бўлмаган шахсларга ҳам ипотека кредити берилиши жорий этилди. Бу билан эса, аҳолининг турли қатламларини қамраб олишга имконият вужудга келишини таъкидлаш лозим. Шунингдек, ипотека кредитининг предмети бўлган жараёнларни ҳам мажбурий сугурталаш амалиётининг бекор бўлиши мазкур кредитлаш жараёнларини арзонлаштиришга хизмат қилади. Деб ўйлаймиз.

Умуман олганда, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши билан аҳолининг ижтимоий ҳимоя муҳтож бўлган қатламига нисбатан уй-жой масаласида ёрдам беришнинг аниқ йўналишлари ишлаб чиқилди. Давлат бюджети ҳисобидан аҳолини уй-жой билан таъминлашда бозор тамойилларининг кенг имкониятларидан фойдаланиш назарда тутилганлиги алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Жумладан, бирламчи уй-жой бозорида уй сотиб олинганда банкларнинг ўз маблағларидан ҳам ипотека кредити ажартишга рухсат берилганлигини келтириш мумкин.

Фикримизча, аҳолини уй-жой билан таъминлашда нафақат давлат юджети маблағларидан, балки тижорат хусусиятига эга бўлган тенденциялар вужудга келаётганлигини таъкидлаш лозим. Бу эса, тўлиқ ипотека кедити хусусиятига эга бўлган ҳолда аҳоли томонидан уй-жойлар сотиб олишга бўлган имкониятнинг вужудга келишини кузатиш мумкин. Бу эса, ижтимоий сиёсат таркибида хусусий манбалар ҳисобидан молиялаштириш тенденциясининг шаклланаётганлигини кўриш мумкин. Буна қўзланган мақсад эса уй-жой бозорида ялпи талабнинг қондирилишига нисбатан ёндашувнинг рационал кўринишга эга бўлиб бораётганини ифодаб беради, деб ҳисоблаймиз.

2024 йилдан бошлаб аҳолини уй-жой билан таъминлашга нисбатан амалга оширилган ислохотлар доирасида давлат бюджетининг роли кенгайиб бораётгани билан биргаликда, ундан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга нисбатан ҳам ўзгаришларни кун тартибига чиқаради, деб ўйлаймиз.



4-расм. Аҳолини уй-жой билан таъминлашда давлатнинг роли

Манба: тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 апрелдаги ПФ-70 сонли фармониغا кўра. Аҳолини уй-жой илан таъминлашга қаратилган ислохотлар кенг ривожлана бошлади. Бунинг билан 4-расмда келтирилган механизмлар билан ҳам аниқроқ тасаввур этишимиз мумкин. Ундан кўриниб турибдики, давлат бюджетининг роли иккита позицияда муҳим рол ўринга эга бўлмоқда. Биринчидан, ипотека бозорини ривожлантириш учун қурилиш жараёнларини рағбатлантириш ва кенг кўламли ипотека кредитларини рағбатлантириш. Иккинчидан, ипотека кредитининг ижтимоий хусусиятини ривожлантиришга қаратилган ҳолда қамбағаллик

Давлат бюджети ҳисобидан ипотека кредити механизмларини ривожлантиришга қаратилган куйидаги фаолиятлар амалга оширилаётганлигини қайд этиш лозим.

Биринчидан, курилиш фаолиятини амалга оширувчи компанияларни молиявий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида улар томонидан жалб этилган кредитларга компенсация тўлаш ёки улар учун давлат кафолатларини тақдим этиш назарда тутилган.

Иккинчидан, кўп қаватли уйларни қуришда халқаро мезонлар асосида яшил қурилиш стандартини жорий этиш. Бунда энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

Учинчидан, ипотека кредитларини молиялаштиришда давлат бюджети, тижорат банклари ва «Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖ мабағларидан фойдаланиш назарда тутилган. Бу эса, ипотека кредитини молиялаштиришнинг

References:

1. Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферат. – Т.: ТДИУ, 2018. – 72 б.
2. Касимова Г.А. Ғазнаилик тизимида ижтимоий соҳанинг молиявий таъминоти услубиятини такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферат. – Т.: ТДИУ, 2024. – 77 б.
3. Абдуллаева Ш. Е. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг назарий асосларини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: М.Улугбек номидаги ЎзМУ, 2023. – 61 б.
4. Мирзамахмудова М.О. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини аниқлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: М.Улугбек номидаги ЎзМУ, 2022. – 58 б.
5. Саттаров Р. А. Вилоятлараро ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари мисолида): и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: ПМТИ, 2023. – 53 б.
6. Баратов С. Н. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришда бюджет сиёсати йўналишларидан фойдаланиш устуворликлари: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: ТДИУ Самарқанд филиали, 2024. – 56 б.
7. Бахромова Д.Б. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишларини иқтисодий-статистик таҳлили (Қашқадарё вилояти мисолида): и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: ТДИУ, 2018. – 56 б.
8. Алиева Г.А. Ижтимоий инфратузилмалар ривожланишини бошқаришни такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: Қорақалпоқ давлат университети, 2020. – 56 б.
9. Бахтиёрв Б.Б. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: М.Улугбек номидаги ЎзМУ, 2020. – 55 б.
10. Давлетов И.Х. Уй-жойлар лойиҳа ечимларини комплекс баҳолашнинг илмий-услубий асослари: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: ТАҚУ, 2023. – 33 б.
11. Усманов М.А. Уй-жой қурилиши тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: ТДИУ, 2022. – 61 б.

кенг қамровли аҳамиятга бўлиб бораётгани билан изоҳланиши мумкин.

Тўртинчидан, камбағаллик дастурига кўра ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламига ипотека кредитлари учун субсидиялар ажаратишни ривожлантириш.

Бешинчидан, давлат бюджети ҳисобидан тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларини қайта молиялаштиришни амалга ошириш. Бунда давлат бюджетидан ипотекани иккиламчи (билвосита) молиялаштиришга имконият вужудга келишини таъкидлаш лозим.

Хулоса(Заключение/ Conclusion)

Шу билан бирга, давлат бюджетидан ипотека кредити сиёсатини шакллантиришда ижтимоий сиёсат элементларини қўллашни назарда тутилганлиги алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунда қуйидагиларга эътибор берилганлигини эътиборга олиш лозим:

Биринчидан, камбағаллик дастури асосида аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож бўлган қатламига уй-жой сотиб олишда 20 йилга қадар Марказий банкнинг асосий ставкасига нисбатан тебранаётган фойзда ипотека кредити ажратиши белгиланган. Шунингдек, ипотека кредити фойз ставкасининг асосий ставкага нисбатан 4 фойз пунктга нисбатан ошиб кетмаслиги назарда тутилган.

Иккинчидан, ижтимоий химояга мухтож катламнинг уй-ойсотиб олишида ипотека кредитининг 15 фоизи миқдорида дастлабки тўлов учун субсидиялар берилиши. Шу билан бирга, ипотека кредитининг дастлабки беш йилида фоз тўловларининг 12 фозидан ошган қисмини субсидия бериш асосида коплаб беришни назарда тутилганлиги ижтимоий химоя дастурини амалга оширишда ўзига хос аҳамият касб этишини таъкидлаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоини уй-жой билан таъминлашда давлат бюджетининг ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунда ипотека кредитини молиялаштиришда аҳоли қуйдаги гуруҳларга ажратиш орқали амалга оширилмоқда:

(1) аҳолининг юқори даромадли қатламига ипотека кредитларини тижорат асосида ажратилишини назарда тутиш ва уларга бюджетдан субсидия беришни кўзда тутмаслик.

(2) аҳолининг маълум қийматдаги даромадга эга қатлами учун давлат бюджети маблағлари асосида Марказий банкнинг асосий ставкасига тижорат банклари маржасини қўшган ҳолда ипотека кредитларини ажратиш.

(3) аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига уй-жой сотиб олишида ҳам дастлабки тўлов қилишда, ҳам дастлабки 5 йилда фоиғ тўловларини амалга оширишда давлат бюджетидан субсидиялар берилиши ижтимоий сийёсатда аҳолини уй-жой билан таъминлашга қаратилган ўстуворликни ўзида акс эттириб беради.